

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУДИ  
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
АЖРИМИ**

2022 йил июль ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди судьяси Ш.Худаяров, ҳайъат судьялари Н.Эрназаров ва Қ.Холмуродовлардан иборат ҳайъатда, судья катта ёрдамчиси Н.Рахматовнинг котиблигида, тарафлардан прокурор М.Мухиддинов, судланган Д.Исанов ва унинг ҳимоячиси Э.Махмудовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2022 йил 8 июндаги ажримига кўра,

Исанов Диёр Улугбекович (ISANOV DIYOR ULUGBEKOVICH), 1986 йил 23 март куни Жиззах шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, “Сайфулла авто лидер” МЧЖ раҳбари, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 15.09.2020 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари, 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 45, 59, 62-моддаларига асосан 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 7 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган жазо шартли ҳисобланиб, 3 йил синов муддати белгиланган, 2) жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг 23.12.2020 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 45,59,61-моддаларига асосан 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 баравари, яъни 89.200.000 сўм жарима ва 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддаси асосан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, 3 йил синов муддати белгиланган, Жиззах вилоят судининг 03.05.2021 йилдаги ажримига кўра, 89.200.000 сўм жарима жазоси ЖКнинг 44-моддасига асосан 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 7 йил 9 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, 3 йил синов муддати белгиланган, 3) жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 12.07.2021 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 184-моддаси 3-қисми,



28,209-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59, 59-8, 61, 62-моддаларига асосан 8 йил 5 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддаси асосан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, 3 йил синов муддати белгиланган, Жиззах шаҳар, Маданият маҳалласи, Тошкент кўчаси, 28-уйда яшайдиганга

нисбатан чиқарилган суд ажрими устидан судланган Д.Исановнинг ҳимоячиси Э.Махмудов томонидан берилган апелляция шикоятига асосан ишни апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагилар

#### а н и қ л а н д и:

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2022 йил 8 июнь кунги ажримига кўра, Д.Исановга нисбатан жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 12.07.2021 йилдаги ҳукмига кўра, Д.Исанов ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 184-моддаси 3-қисми, 28,209-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59, 59-8, 61, 62-моддаларига асосан 8 йил 5 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддаси асосан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, 3 йил синов муддати белгиланган. Д.Исановга синов муддати мобайнида жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ундирилмай қолган 230.731.185 сўмини ҳамда Жиззах вилоят судининг 03.05.2021 йилдаги ажрими билан қоплаш мажбурияти юклатилган моддий зарарларни 3 ой мобайнида қоплаш мажбурияти юклатилган, Жиззах шаҳар ИИБ пробация гуруҳи томонидан Д.Исановга нисбатан синов муддатини шартлилигини бекор қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижрога қаратиш тўғрисида тақдимномаси қаноатлантирилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқарган.

Судланган Д.Исановнинг ҳимоячиси Э.Махмудов шикоятида, у ҳукмда кўрсатилган шартларни бўзмаганлигини, етказилган зарарни қоплаш чораларини кўрганлигини, Д.Исановга нисбатан чиқарилган ажримни бекор қилиб, Жиззах шаҳар ИИБ пробация гуруҳи томонидан Д.Исановга нисбатан синов муддатини шартлилигини бекор қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижрога қаратиш тўғрисида тақдимномасини рад қилиб, Д.Исановни ЖКнинг 72-моддасига асосан қамоқдан озод қилишни сўраган.

Бироқ апелляция инстанцияси судида ҳимоячи Э.Махмудов ва судланган Д.Исановлар иши юзасидан апелляция тартибидаги шикоятини қайтариб олиб, ишни кўрмасдан қолдириш ҳақида ариза тақдим қилди.

Судлов ҳайъати ҳимоячи Э.Махмудов ва судланган Д.Исановларнинг аризаси юзасидан прокурор М.Мухиддиновнинг аризани қаноатлантириш ҳақидаги хулосасини, ҳимоячи Э.Махмудов ва судланган Д.Исановларнинг аризани қаноатлантириш ҳақидаги берган фикрларини тинглаб, қуйидаги қарорларга кўра Д.Исановнинг ишни кўрмасдан қолдириш ҳақидаги



аризасини қаноатлантиришни, апелляция тартибида юритилган ишни тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 20 апрель кунги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли Қарорининг 9-бандида “Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>10</sup>-моддасига мувофиқ, апелляция шикоятни (протести) берган шахс ўз шикоятни (протести)ни, маҳкум эса, ҳимоячиси берган шикоятни ҳам қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқи юқори турувчи прокурорга ҳам тегишли.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>26</sup>-моддаси биринчи қисми 8-бандига мувофиқ, шикоят, протест қайтариб олинган ҳолларда, апелляция тартибида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Қонун мазмунига кўра, апелляция шикоятни (протести) апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунга қадар қайтариб олиниши мумкин.

Апелляция шикоятни (протести)нинг қайтариб олиниши, агар иш бўйича бошқа процесс иштирокчилари томонидан берилган апелляция шикоятни (протести) бўлмаса, апелляция тартибида иш юритиш тугатилишига олиб келади. Бундай ҳолда суд апелляция шикоятини (протестини) қайтариб олган шахсга нисбатан апелляция тартибида иш юритишни тугатади ва бошқа шахсларга нисбатан давом эттиради.

Суд апелляция тартибида иш юритишни тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилгунга қадар апелляция шикоятини (протестини) қайтариб олаётган шахсга апелляция тартибида иш юритиш тугатилиши апелляция шикоятни (протести) билан такроран мурожаат қилишга тўсқинлик қилишини тушунтириши шарт” деб баён қилинган.

Апелляция инстанцияси суди юқоридаги қайд қилинган Пленум қарори талабидан келиб чиқиб, ҳимоячи Э.Махмудов ва судланган Д.Исановларга апелляция тартибидаги шикоятини қайтариб олиши муносабати билан апелляция тартибида иш юритишни тугатишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>10</sup>, 497<sup>26</sup>, 423- моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси ажрим қилади:

### А ж р и м

Судланган Исанов Диёр Улугбекович ва ҳимоячи Э.Махмудов томонидан апелляция шикоятни қайтариб олганлиги муносабати билан апелляция тартибида иш юритиш тугатилсин.

Раислик қилувчи  
Ҳайъат судьялари

имзо  
имзо  
имзо

Ш.Худаяров  
Н.Эрназаров  
Қ.Холмуродов

Аслига тўғри

Қ.Холмуродов

